

**КУДРАТОВ АЗАМАТ**  
Таянч докторант, ТДШУ

## Синхрон таржимани ўрганиш тарихидан

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-02-12>

**Аннотация.** Таржима соҳаси бўйича синхрон ва бадиий таржима анчагина заҳматли иши бўлишига қарамай, бу йўналишига бўлган талаб ва таклиф ортиб бормоқда. Буни замоннинг ўзи ҳам талаб этмоқда. Таржима – бир тилда яратилган асарнинг ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қўлдирадиган, ундан бадиий завқ олии учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир. Синхрон таржима – бу оғзаки таржима турлари орасида энг мураккаби бўйлиб, мазкур турдаги таржимада маҳсус жиҳоздан фойдаланиб таржима амалга оширилади. Бу нотик ҳутқ сўзлаётган чогида таржимоннинг уни бўлмасдан, узлуксиз ҳутқ мазмунини тингловчиларга етказиб беғриши нинг оғзаки таржима усулидир. Синхрон таржима, асосан, эшиятии жараённида сўзлай олии қўнгималарига асосланган бўйлиб, синхрон таржимондан аслият тилини ҳам, таржима тилини ҳам бир хил даражада билиши, бир пайтнинг ўзида икки тилда фикрлай олии қобилиятига эга бўлши талаб қилинади. Уибу мақолада синхрон таржима ва унинг стратегияларини ўрганиши (Ватанимизда ва жаҳонда) бизнинг асосий вазифамиз уибу илмий тадқиқотда бу масаланинг ютуқ ва камчиликлари таҳтил этилди ва илмий натижаларга келинди.

**Таянч сўз ва иборалар:** Таржима тарихи, бадиий таржима, коммуникатив восита, Синхрон таржима, Столлинг, Пауза, таржима стратегиялари, кутиши стратегияси.

**Аннотация.** В сфере письменного перевода синхронный и художественный перевод – сложная задача, но спрос и предложение в этой сфере растут. Само время требует этого. Перевод – это коммуникативное средство произведения, написанного на одном языке, которое служит духовным потребностям других людей и дает возможность художественного наслаждения. Синхронный перевод является одним из самых сложных видов устного перевода, и этот вид перевода выполняется с использованием специального оборудования. Это метод устного перевода при котором говорящий передает содержание речи аудитории без помощи переводчика. Синхронный перевод в основном основан на умении говорить в процессе аудирования, при этом от переводчика-синхрониста требуется знание и исходного языка, и языка перевода одновременно, а также умение мыслить на двух языках одновременно. В данной статье рассматривается синхронный перевод и его стратегии (как в нашей стране, так и в мире), анализируются достижения и недостатки этого вопроса в научных исследованиях и делаются научные выводы.

**Опорные слова и выражения:** История перевода, Художественный перевод, Коммуникация, синхронный перевод, Столлинг, Пауза, стратегии перевода, стратегия ожидания.

**Abstract.** In the field of translation, simultaneous and literary translation is a difficult task, but the demand and supply in this area are growing. Time demands it. The translation is a communicative means of a work written in one language that serves the spiritual needs of other people and provides an opportunity for artistic enjoyment. Simultaneous translation is one of the most complex types of interpreting, and this type of translation is performed using special equipment. It is a method of oral translation in which the speaker conveys the content of the speech to the audience without the help of an interpreter. Simultaneous translation is mainly based on the ability to speak in the process of listening, and a simultaneous interpreter is required to know both the source language and the target language at the same time and to be able to think in two languages at the same time. This article examines simultaneous translation and its strategies (both in our country and in the world) and analyzes the achievements and shortcomings of this issue in scientific research and draws scientific conclusions.

**Keywords and expressions:** History of translation, literary translation, communication, Simultaneous translation, Stolling, Pause, translation strategies, waiting strategy.

Синхрон таржима ва унинг стратегиялари тарихини XX-XXI асрларда жутрофий ва мавзуий йўланишлари бўйича имкон қадар тўлиқ ва тўғри ўрганиб, уни етказиб бериш бизнинг олдимизга қойган асосий мақсадимиздир.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган:

- Мавзунинг Ўзбекистонда ўрганилганлик даражаси ҳақида ма`лумот тўплаш.
- Араб ва ноараб давлатларда таржима жараёни ва ҳозирги замонда синхрон таржимага оид қилинган илмий ишлар, монографиялар чиқарилган мақолалар ва билдирилган фикрлар, келтирилган назариялар ва хулосаларни аниқлаш ва танишиш.



➤ Синхрон таржиманинг умумий афзалликлари ва муаммоларини тавсифини ёритиш. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, чоғишириш ва лингвомаданий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Эришилган натижалар: Синхрон таржима стратегияларига оид тадқиқотларни ўрганиб, уларни қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик нуқтайи назардан тадқиқ қилиш вазифаларини белгилаш, стратегиялар ўзига хосликларини аниқлаш ва уларни таржимада қўллаш усуулларини белгилаш, шунингдек, анжуманлар ва конференсияларда стратегияларни таржимон таржимада қачон ва қандай берилишини аниқлаш орқали янги назарий билимларга эга бўлиш кабилардир.

Мавзунинг Ўзбекистонда о‘рганганлик даражаси: Ушбу мавзу юзасидан бугунги кунга қадар Г.Ч. Чернов<sup>1</sup> қаламига мансуб “Теория и практика синхронного перевода”, 1978 Москвада нашр этилган китоби ўзбек тилига Тошкент давлат шарқшунослик университети устозлари Х. Ҳамидов, Н. Исматуллаева, С. Эргашевалар томонидан таржима қилинди. Аммо лекин синхрон таржима стратегияларининг сиёсий ва тиҷорий қатламда қўлланилиши Арабча-ўзбекча комбинатсиялар мисолидаги тадқиқотнинг йўқлиги, ўзбек ва араб тилидаги синхрон таржима стратегиялари таҳлили, илмий тадқиқоти ҳали қилинмаганлиги, анушу масалаларни биз тарафимиздан тадқиқотга жалб қилинишига ундейди. Бу мавзу бўйича илк илмий ишлардан бири сифатида кўринади. Синхрон таржима турида стратегияларни ишлатиш ва уларнинг кетма-кетлик механизмини яратиш ва имкон қадар хатоларга йўл қўймаслик ва уларни четлаб ўтиш орқали таржима матнини имкон қадар тўлиқ ва хатосиз таржима қилиш жараёнини тўлақонли ёритиб бериш талаб этилади.

Араб ва ноараб давлатларида таржима жараёни ва хозирги замонда синхрон таржимага оид қилингандай илмий ишлар: Бутун дунё миқёсида турли ҳалқларинг ўзаро сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлиги янада кучайиб бормоқда ва бу алоқаларни таржимасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима ҳалқларни бир-бирига боғловчи ҳалқа, фан ва маданиятни ривожлантирувчи ва бойитувчи восита, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асос солувчи кўпприк, деб қаралади.

**Таржима хақида илк назарий фикрлар дастлаб қадим Римда юзага келган эди. Юнон ва лотин тилларини мукаммал билган Арастутел, Ситсерон ва Горатсий таржима жараёнида сўз кетидан қувиш ярамайди, уларнинг ма’но ифодаларини аввал тарозида ўлчаб, кейин таржима қилиш ма’кул, деган фикрни билдирганлар<sup>2</sup>. Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Франсияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бекон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумболдт, Россияда Ломоносов ва Сумароков таржима хусусида ўз назарий тушунчаларини билдириб о‘тганлар.**

Араб таржима жараёнини исломдан аввалги жоҳилият давридан бошлаб кузатиш мумкин. Исломдан олдинги таржима жараёнини юзага келишининг энг муҳим омиллардан бири Александр Македонскийнинг ғарбий Осиё ва Мисрда юнон сивилизатсиясининг тарқалишига олиб келган фатҳлариридир. Бунинг натижасида ўша минтақага бошқа маданиятларнинг кириб келиши каби жараёнилар юзага келди.

VIII асрнинг бошларида Мовароуннахрни араблар бутунлай эгаллаган эдилар. Ислом дини мамлакатда ҳукмрон дин, араб ёзуви ягона ёзув, араб тили адабий тил бўлиб қолди. Олимлар ва шоирлар араб тилида китоблар ёза бошладилар. Араблар истилоси даврида энг кўп таржима қилингандай асарлар тарихий-бадиий жанрда яратилган китоблар бўлиб, уларни кўпинча адаб, шоирлар таржима қилар эдилар. Ўша даврда бизнинг ҳудудимизда араб тилида ёзган катта-катта олимлар, тарихчилар етишиб чиқди. Чунки араб тили ўша даврнинг илм тили ҳисобланганлиги учун Фаробий, Ибн Сино, Беруний каби олимлар ўз асарларини араб тилида ёздилар. 359 йилда вафот этган олим Абу Бақр Муҳаммад бин Жаъфарий Наршахий Бухоро тарихига оид «Таҳқиқул-вилоят» («Ўлкани ўрганиш») номли

<sup>1</sup> Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.

<sup>2</sup> <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/tarjima-na-zariyasi-fan-sifatida/>





асарини ёзди<sup>1</sup>. Бу асар форс тилига, кейинги даврларда рус тилига ҳам таржима қилинди. Энг қадимий асарлардан бири 922 йилда вафот этган Абу Жаъфар Мұхаммад бин Жарир Табарийнинг «Тарихи Табарий» номли бир неча жылдлы асари бўлиб, 963 йилда Бухорода сомоний амирларининг саройида вазир бўлган Мир Абу Али бин Мұхаммад Балъамий форисийга қисқартиб таржима этган<sup>2</sup>. Кейинчалик бу асарнинг ўзи ҳам бошқа тилларга таржима қилинган. Маъданий, Балозурӣ, Табарӣ, ибн Мисқавейҳ ва бошқалар ўша даврнинг машҳур тарихчилари эдилар. Мовароуннахрнинг маданий кишилари орасида Табарий ўз тарих китоби туфайли машҳур бўлганини шу фактдан қўриш мумкин: «Сомонийларнинг Абулмалик ва Мансур деган икки амирининг атоқли вазири Балъамий Табарийнинг асарини тожик тилига қисқартириб таржима қилди. Бошқа йўқолган вариантдан қилинган бу таржима араб тилидаги сўнгги нашрларда бўлмаган бир қанча ахборотларни беради. Кўп мамлакатлардаги кишилар ҳозирга қадар Табарий асари билан Балъамий таржимаси орқали танишадилар. Қизиги шундаки, ҳалигача ўз қимматини йўқотмаган Балъамийнинг таржима китоби ўз навбатида турк, франсуз, хатто, араб тилларига таржима қилинган». Бу асар «Тарихи Наршахий» номи билан машҳур. Абу Наср Аҳмад бин Мұхаммад ал-Қубавий XII асрда уни қисқартиб, форс тилига таржима қилган<sup>3</sup>. 1892 йилда Парижда бу асарнинг тексти Шефер томонидан бостирилган. 1897 йилда Н. С. Ликошин «Тарихи Наршахий»ни русчага таржима қилиб, академик В. В. Бартолднинг таҳрири остида Тошкентда нашр қилдирган<sup>4</sup>. У бир неча шарқ тилларини, шу жумладан, араб тилини ўз она тилидай билгани ҳолда, юонон фалсафасини ўрганиш зарур бўлиб қолгани учун юонон тилини ҳам билиб олди. Табарий асари Балъамий таржимаси орқали бир неча тилларга таржима этилганлиги бу таржима китобнинг нақадар машҳур эканини кўрсатади. Таржима жараёнида асарга бир қанча қўшимчалар ҳам киритилиб, ҳажми анча кенгайтирилган<sup>5</sup>.

XIX ва XX асрларга келиб, араб ва ноараб давлатларида синхрон таржима стратегияларига оид кўплаб таржимашунос олимлар, тадқиқотчилар ва филология фанлари бойича фалсафа докторлари ва магистрлар ўзларининг бирқанча илмий-назарий мақолалари, монографияларида ўзлашмаларга тааллуқли бўлган фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган. Россия лингвистика Университетида И.В. Микхайлович<sup>6</sup>, Г.Ч. Чернов<sup>7</sup>, Линн Виссон<sup>8</sup>, Али Дарвиш<sup>9</sup>, Dr. Алладдин Ал-Захран<sup>10</sup>, Лагха Ноур Аддин<sup>11</sup>, Ҳала Ғаним Моҳаммед<sup>12</sup>, Заинаб Алсаати<sup>13</sup> ва бошқа муаллифларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Улар синхрон таржима хусусиятларини ўрганиш муаммолари, шунингдек, муайян стратегия ва услублари ва фойдали жиҳатлари ва камчиликлари билан таржимон муносабатлари масалаларини тадқиқ этишди.

Синхрон таржиманинг умумий афзалликлари ва камчиликларини тавсифи: Синхрон таржима биринчи навбатда турли ҳалқаро ва давлатлараро учрашувлар, конференсиялар,

<sup>1</sup> Hamidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.17

<sup>2</sup> Hamidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.17

<sup>3</sup> FA Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondi, inv. №2110

<sup>4</sup> Собрание Восточных рукописей Академии наук. Том 1.

<sup>5</sup> Hamidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.19

<sup>6</sup> Илюхин. В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинаций перевода), Лингвистический университет Москва – 2001.

<sup>7</sup> Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.

<sup>8</sup> Линн Виссон. Синхронный перевод с русского на английский — М.: Р.Валент, 1999

<sup>9</sup> Ali Darwish. Standards of Simultaneous Interpreting in Live Satellite Broadcasts Central Queensland University UK. June 2006

<sup>10</sup> Dr. Aladdin Al-Zahran: The Consecutve Conference Interpreter as intercultural mediator: The University of Salford, UK 2007.

<sup>11</sup> Lagha Nour Addin. الترجمة الفورية في المحافل الدولية، جامعة وهران في جمهورية الجزائر 2012-2013

<sup>12</sup> Hala Ghanim Mohammed. Rendering Collocations in Arabic/English Simultaneous Interpreting University of Al- Mustansiriya Baghdad, Iraq, 2015.

<sup>13</sup> Zainab Alsaati. Türkçede ve arapçada simultane çevirinin geliştirme yöntemleri Gazi üniversitesi Haziran, 2018.





семинарлар, матбуот анжуманлари ва бошқа йиғинларда кенг қўлланиладиган таржима тури ҳисобланади. Аммо, шу билан биргалиқда, бугунги кунда синхрон таржиманинг бошқа кўпгина ўринларда, масалан, муайян бир тилда яратилган кинофильмларни намойиш этиш жараёнида параллел вақтда бошқа тилга ўгириш, телерадиоканаллар орқали тўғридан-тўғри берилаётган маълум шахсларнинг чиқишилари ёки интервюларини бир пайтнинг ўзида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш каби ўринларда ҳам қўлланилаётганини кўришимиз мумкин. Таржиманинг барча турларида бўлгани каби, унинг анчайин қийин ва мураккаб, айни пайтда ўта масъулиятли тури бўлган синхрон таржиманинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва чекланган жиҳатлари мавжуд. Биз санаб ўтган бу жиҳатлар юқоридаги иммий нашрларда алоҳида кўриб ўтилган эчимларига ишора этилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, синхрон таржима сўзловчи (маърузачи, чиқиши қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи) нутқи билан бир вақтда амалга оширилади ва кетма-кет таржимадан фарқли ўлароқ, таржима учун алоҳида вақт ажратилиши талаб этилмайди ва таржима чоғида сўзловчи нутқини тўхтатишга ҳожат бўлмайди. Бу эса кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, синхрон таржиманинг қуйидаги афзалликларини белгилаб беради:

- 1) Синхрон таржимада сўзловчининг нутқи, тингловчининг тинглаши ёки улар иштироқидаги тадбирнинг ўtkазилиши учун сарфланадиган вақтнинг икки баробарга қисқаришига олиб келади.

- 2) Синхрон таржимада сўзловчининг нутқида узилиш ва тўхталиш юз бермаслиги сабабли, сўзловчи ўз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини, яъни уларнинг реаксияси ва кайфиятини кузатиш имконига эга бўлади.

- 3) Синхрон таржимада тингловчи ҳам узлуксиз таржима қилинаётган нутқни тинглаш жараёнида сўзловчининг кайфиятини кузатиш имконига эга бўлади.

- 4) Синхрон таржима сўзловчининг нутқи ёки у иштироқида ўтган тадбирнинг оммавий ахборот воситалари, хусусан электрон оммавий ахборот воситалари томонидан тезкор тарзда, жумладан, тўғридан-тўғри жонли эфирда ёритилишини таъминлайди. Яъни сўзловчининг нутқи ёки у иштироқида ўтган тадбирдан нафақат у ерда иштирок этаётган тингловчилар, балки электрон оммавий ахборот воситалари воситасида турли мамлакатлар жамоатчилиги ҳам ўша пайтнинг ўзида хабардор бўлишади<sup>1</sup>. Синхрон таржима таржимондан нафақат юқори билим даражаси, катта тажриба ва юксак маҳорат, балки катта масъулиятни ҳам талаб қиласи. Бир тилда баён этилаётган фикр ва маълумотни тўхталишсиз, шу заҳотиёқ иккинчи бир тилга ўгириб бериш масъулияти синхрон таржимани бошқа таржима турларидан ажратиб турувчи яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўз ўрнида синхрон таржиманинг ҳам камчиликлари бўлиб, уларга мутахассислар ўз асарларида уқтириб ўтганлар ва улар қуйидагилардан иборат:

- синхрон таржиманинг баҳоси кетма-кет таржимага нисбатан анча баланд бўлиб, бу нархга синхрон таржимонлар хизмати тўлови ва маҳсус жиҳознинг ижара тўлови киради;
- тадбирнинг тематикасини бир хилда яхши билувчи минимум 2-3 нафар синхрон таржимонларни жалб этиш керак бўлади;
- синхрон таржимада юқори даражада маълумотни йўқотиш ва оз даражада маълумотнинг тингловчига етиб бориши кузатилади<sup>2</sup>.

Қолаверса, синхрон таржима қилиш вақтида бази мураккабликлар бўлади. Ушбу элементларни турли тилларда топиш мумкин, улар қуйидагилардир: рақамлар, тегишли исмлар, мураккаб от иборалар, маданиятга хос нарсалар, идиомалар, фразеологик феъллар ва бир сўзли атамалар. Кундалик амалиётда конферентсия таржимонлари рақамлар билан боғлиқ баъзи қийинчиликларни тан олишади.

<sup>1</sup> Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.

<sup>2</sup> Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.





Араб тилидан ўзбек тилига синхрон таржима қилиш жараёнида қўлланиладиган асосий стратегиялар ҳакида ҳам кўплаб тадқиқотчилар ўзларининг бир неча ўн йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, бу ҳақда ўз кўрсатмалари ва маслаҳатларини бериб ўтганлар. Синхрон таржимада стратегия бу аслият тилидан таржима тилига ўгиришда хабарга ишлов беришдаги конференсия таржимонига зарурый кўникма ёки маълум бир маҳоратлар тизимиdir<sup>1</sup>.

Синхрон таржима тадқиқотчиларининг аксарияти стратегия деганда аслият тилидан таржима тилига таржима қилишда хабарга ишлов беришдаги конференсия таржимонига зарурый кўникма ёки маълум бир маҳоратларни тушунадилар.

Бакер стратегияни “Таржима стратегияси матн ёки унинг қисмини таржима қилишда дуч келадиган муаммони ҳал қилиш тартибидир”<sup>2</sup>, дея таърифлайди. Араб тилидан ўзбек тилига синхрон таржима қилиш жараёнида қўлланиладиган асосий стратегиялар асосан З турдаги стратегиялардир, улар Кутиш стратегияси, Олдиндан башорат қилиш стратегияси, Столлинг стратегиясидир.

Кутиш стратегияси масаласида ҳам олимлар тадқиқот олиб бориб, бу ҳақда шундай дейдилар. Синхрон таржимада таржимон бир вақтнинг ўзида бир нечта стратегиялардан фойдаланади. Одатда қарор лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсир қиласидаги вазиятга қараб қабул қилинади. Жаҳон таржима амалиётида кутиш стратегияси кўпинча семантик феъл жумлада охирги ўринда турадиган тиллардан таржимада қўлланилади, масалан, немис, голланд ва ўзбек тилларидан таржима қилишда. Очик кодли дастурий таъминотда бўлгани каби, бу стратегияда таржимоннинг асосий вазифаси тўғри қарор қабул қилиш учун кенгроқ контекстни олишдир. Кутиш стратегияси шундан иборатки, синхрон таржимон қисқа пауза қиласидаги ва агар мавжуд контекстдан тўлиқ тушунарли бўлмаса, баёнотнинг маъносини тўлиқ ойдинлаштириши мумкин бўлган қўшимча матн компонентларини кутади. Синхрон таржимон, агар таржиманинг вақтинчалик этишмаслиги туфайли тингловчини ноқулай аҳволга солиб қўймаса, бир неча сония пауза қилиши мумкин. Бундай стратегиядан энг мақбул фойдаланиш асл нутқдаги паузалардир<sup>3</sup>.

Таржимон асл нусханинг кенгроқ контекстини олиш учун пауза қилиши мумкин. Бу маърузачи кейинги семантик гурухни талаффуз қила бошлаган пайтда содир бўлади. Соф психологик нуқтаи назардан, томошабинлар бу паузани сезмайдилар, чунки тингловчиларнинг эътибори олдинги сегментни таржима қилиш пайтида олинган маълумотларни қайта ишлашга қаратилган. Албатта, бундай тактикалар факат пауза жуда узоқ бўлмагандан ва бир неча сония давом этганда оқланади, акс ҳолда, синхрон таржимон матни таржима қилишда ортда қолиб кетади ва тингловчига тўлиқ ма’ноли таржима етиб бормайди.

Ривожланиш даражаси турлича бўлган Европа давлатларини бирлаштириш масалаларига бағишлиланган ва ривожланмаган мамлакатларнинг Европа Иттифоқига киришининг афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилган Европа Иқтисодий ва Валюта Иттифоқи конференсиясидан бир парча мисол келтирамиз.

The second more serious objection is that, as far as many of the poorer

Пауза П П П / иккинчи асосий муаммо - янги номзод аъзолари regions are concerned, “all things are not equal”.

ЙИХ (Европа иқтисодий ҳамжамияти) иқтисодий жиҳатдан бир хил ривожланган эмас.

Тўгридан тўғри сўзма сўз таржима қилиш ва кутиш стратегиясидан унимли фойдаланилмаган таржима шакли

The second more serious objection is that, as far as many of the poorer regions are concerned, “all things are not equal”.

1 As-Safi A.B. Translation Theories, Strategies and Basic Theoretical Issues. – Amman: Dar Amwaj, 2011.– P. 52.

2 Baker Mona. In Other Words: A Coursebook on Translation. – London: Routledge, 2005. – P. 188.

3 Baker Mona. In Other Words: A Coursebook on Translation. – London: Routledge, 2005. – P. 188.





Иккинчи жицдий эътиroz шундаки, кўплаб қашшоқ ҳудудларга келсак, "ҳамма нарса тенг эмас"<sup>1</sup>.

Биз бу келтирилган мисолдан шуни тушунишимиз мумкинки Таржимон, энг аввало, таржима қилинаётган воқеанинг форматини, сўзловчиларнинг мақсад ва мотивларини, нутқларнинг расмиятчилик ва эмотсионаллик даражасини хисобга олиши керак<sup>2</sup>.

**Хулоса.** Демак, синхрон таржима – бу оғзаки таржима турлари орасида энг мураккаби бўлиб, мазкур турдаги таржимада маҳсус жиҳоздан фойдаланиб таржима амалга оширилади. Бу нотиқ нутқ сўзлаётган чоғида таржимоннинг уни бўлмасдан узлуксиз нутқ мазмунини тингловчиларга етказиб беришнинг оғзаки таржима усулидир. Синхрон таржима, асосан, эшитиш жараёнида сўзлай олиш қўникмаларига асосланган бўлиб, синхрон таржимондан аслият тилини ҳам, таржима тилини ҳам бир хил даражада билиш, бир пайтнинг ўзида икки тилда фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиш талаб қилинади.

Синхрон таржимада стратегиялар мавзуи юзасидан бугунги кунгача кўплаб таржимашунос олимлар, тадқиқотчилар ва магистрлар ўзларининг бир қанча илмий-назарий мақолалари, монографияларида ўзлашмаларга тааллуқли бўлган фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган, биз буларни кўриб, ўзлаштириб олишимиз керак.

---

1 И. В. Михайлович. Стратегии в синхронном переводе. – Москва – 2001. – С. 35-36.

2 С.А. Колесов, Ю.А. Бабаева. Стратегии, тактики и приёмы в синхронном переводе. – г. Тверь – 2020. – С. 188.

